



ИШЕМИК ИНСУЛЬТНИНГ КЛИНИК КЕЧИШИ ВА ЭРТА РЕАБИЛИТАЦИЯСИ (КЕЙС-ТАҲЛИЛ ВА АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ)

Эргашов Ахрор Улаш ўғли
Каримов Жавлонбек Абдирахмон ўғли
Зармед университети Неврология кафедраси

АННОТАЦИЯ

Мақолада ишемик инсульт ташхиси билан ётқизилган 2 нафар беморнинг (3-сонли ва 6-сонли тарихлар) клиник ҳолатлари батафсил таҳлил қилинган. Беморларнинг ёши, хавф омиллари (гипертония, атеросклероз), МРТ ва КТ натижалари, шунингдек эрта реабилитация босқичлари ёритилган. Инсультдан кейинги дастлабки 72 соат ичида бошланган реабилитация ўлим кўрсаткичини камайтиришда ва неврологик дефицитни тиклашда муҳим роль ўйнаши кўрсатилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: Ишемик инсульт, МРТ, реабилитация, неврологик дефицит, антикоагулянтлар, тромбозис.

КИРИШ:

Инсульт дунё бўйича ўлим сабаблари орасида 2-3-ўринларда туради. Ўзбекистонда инсульт билан касалланиш 100 000 аҳолига 250-300 ҳолни ташкил этади. Муаммонинг долзарблиги юқори ногиронликка олиб келиши билан изоҳланади.

АДАБИЁТЛАРНИ ЎРГАНИШ:

Адабиётларда (WHO, 2023; Гусев ва бошқ.) инсультда «олтин соат» коидаси (3-4,5 соат ичида тромбозис) асосий ҳисобланади. Шунингдек, эрта реабилитация (24-48 соатдан кейин) мотор функцияларни тиклашни тезлаштириши исботланган.

АСОСИЙ ҚИСМ (Методология ва таҳлил):



Биз 2026 йилнинг 1-чорагида кафедрага мурожаат қилган 2 нафар беморни таҳлил қилдик:

3-сонли бемор (Эсонов А.У.), 64 ёш.

Шикояти: Ўнг қўл ва оёқда ҳаракатсизлик, нутқ бузилиши (афазия).

Текширув: Қон босими 180/100 мм сим.уст. МРТда чап ўрта мия артерияси ҳавзасида ишемик ўзгаришлар.

Давоси: Тромболизис (4-соатда), антиагрегантлар. Реабилитация 2-кундан бошланди.

Натижа: 10-кунга нутқ қисман тикланди, парестезия камайди.

6-сонли бемор (Каюмов Ж.А.), 58 ёш.

Шикояти: Бош айланиши, чап кўзда кўриш пасайиши, юзнинг чап ярмида ҳаракатсизлик.

Текширув: КТда ишемик фокуслар аниқланди. Қонда глюкоза даражаси 12,5 ммоль/л (қандли диабет).

Давоси: Инсулин терапияси, нейропротекторлар, физиотерапия.

Натижа: 14-куни ҳаракатлар тикланди, аммо кўриш нуқсони сақланди.

НАТИЖАЛАР:

Иккала беморда ҳам эрта реабилитация (пассив гимнастика, массаж, вертикализация) миокарднинг ишемиясиз ўтишига ва тромбоз ривожланишининг олдини олишга ёрдам берди. 3-сонли беморда функционал тикланиш (Rankin шкаласи бўйича) 3 баллдан 1 баллга, 5-сонли беморда 4 баллдан 2 баллга яхшиланди.

ХУЛОСА:

Ишемик инсультда эрта ташхис (нейровизуализация) ва комплекс даволаш, хусусан тромболизис ва эрта реабилитация, прогнозни сезиларли яхшилайдди. 5-сонли беморда қандли диабетнинг мавжудлиги



тикланиш жараёнини сусайтирди, бу эса метаболик омилларни ҳисобга олиш зарурлигини кўрсатади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Гусев Е.И., Скворцова В.И. Ишемия инсульта. – М., 2021.
2. ВОЗ. Глобальный бремя инсультов. Женева, 2023.
3. Атаханова Н.С. Реабилитация после инсульта // Неврология Узбекистана. – 2024. – №1. – С. 22-27.